

## Ғийбатнинг ҳаромлиги ҳақида (4-қисм)



14:26 / 15.03.2018 3457

**Ҳикоят.** Суфён ибн Ҳусайн айтади: «Иёс ибн Муовиянинг<sup>[1]</sup> ёнида ўтирган эдим, бир одам ўтиб қолди. Мен уни ғийбат қилдим. Шунда Иёс ибн Муовия менга: «Жим бўл», деди. Сўнг: «Эй Суфён, румликлар билан урушганмисан?» дея сўради. «Йўқ» дедим. У: «Фаранглар билан урушганмисан?» деди. «Йўқ», дедим. У: «(Афсус) Рум билан Фаранг сендан саломат қолибди-ку, лекин мусулмон биродаринг сендан омонда бўлмабдида», деб танбеҳ берди. Шундан кейин бирор кишини ғийбат қилмадим».<sup>[2]</sup>

**Насиҳат.** Зайнул Обидин Али ибн Ҳусайн розияллоху анҳумо бир кишининг ғийбат қилаётганини эшитиб, унга: «Ғийбатдан сақлан, чунки у итга ўхшаган одамларнинг идомидир», дедилар.<sup>[3]</sup>

**Изоҳ.** Идом деб шўрва, туз ва мураббо каби нонга қўшиб ейиладиган нарсга айтилади.

Зайнул Обидин раҳимахуллоҳ ғийбатчини итга ўхшатдилар. Бунинг сабаби шуки, Қуръон ва ҳадисларда ғийбат қилиш ўлимтик гўштани ейишга тенглаштирилган. Бундай гўштни ейиш эса итларнинг ишидир. Демак, киши ғийбат қилиш билан ўзини одамлар сафидан чиқариб, итлар қаторига қўшар экан. Зеро, у одам бўлганида, унда инсонлик хислати топилган бўлар эди, бошқаларни ғийбат қилиб, итлар каби уларнинг гўштани чайнамаган, уларнинг ортидан таъна қилиб гапиришни одат

қилиб олмаган бўлар эди.

**Насиҳат.** Абу Имрон раҳимаҳуллоҳ айтади: «Ғийбат – фосиқларнинг зиёфати, аёлларнинг яйлови, итга ўхшайдиган одамларнинг идоми ва тақводорларнинг ахлатхонасидир».<sup>[4]</sup>

**Изоҳ.** Ғийбат қилиш фосиқларнинг зиёфат ўрнига бир-бирига берадиган, улашадиган севикли нарсадир. Икки фосиқ учрашиб қолса, одамларни ғийбат қилиб, уларнинг айбларини очиш билан бир-бирини меҳмон қилади. Уларнинг кўнгли дин зикри билан хурсанд бўлмайди, аксинча, нафси малолланиб, зерикади. Ғийбат билан эса кўнгли шодланади. Фосиқ ва оми одамлар у ёқда турсин, бу замондаги хос кишилар ҳам дастурхон атрофига ўтириши билан «Бисмиллаҳ»ни айтгандан сўнг, Аллоҳ берган неъматлардан тановул қилишдан олдин одамларнинг гўштини ейишни бошлаб юборяптилар. Ваҳоланки, уларга таом ейиш вақтида гўзал қиссаларни, солиҳларнинг ҳикояларини айтиб ўтириш лозим эди. Мазкур насихатда ғийбат аёлларнинг яйлови экани айтилган. Маълумки, чорва ҳайвони ҳамиша ўт-ўлан хаёли билан яшайди, ўт-ўланни кўриб қолса, ниҳоятда хурсанд бўлиб, унга қараб югуради. Ям-яшил яйловни кўриб қолса, унга жонини беради. Худди шунингдек, ёмон аёллар ҳам ғийбат мажлисини кўриб ёки эшитиб қолишса, ҳамма ишини ташлаб, ўша ерга югуриб борадилар. Етиб боргач, одамларни ғийбат қилиб, одамлар гўштини чайнаб, яйловда ўт-ўлан еб яйраган тўрт оёқли жонивордек, ҳатто ундан ҳам кўпроқ роҳатланишади. Аввалги замон аёллари ишроқ ва таҳажжуд намозларини ўқир, беш вақт намоздан кейин тасбеҳлар айтар, одамларни айблашдан иложи борича тилларини сақлашар, сироти мустақимдан (тўғри йўлдан) чиқмасликка ҳаракат қилишар эди. У муборак аёллар ғийбат қилаётган ёки айбларни очаётган бирор кишини кўрсалар, унга насихат қилиб, уни бу ярамас ишдан қайтарар эдилар. Афсус ва надоматлар бўлсинки, замонамиз эркаклари эркак деган шарафли номга эга бўла туриб, ғийбат қилишда аёллардан ҳам олдинга ўтиб кетишяпти.

Саъдий раҳматуллоҳи алайҳ айтади:

*Занонеки, тоат ба рағбат баранд,*

*Зи мардони нопорсо бигузаранд.*

*Туро шарм н-ояд зи мардийи хеш,  
Ки бошад занонро қабул аз ту беш.*

*Занонро ба узри муайянки, ҳаст,  
Зи тоат бидоранд гоҳ-гоҳ даст.*

*Ту бе узр як сў нишини чу зан,  
Шави кам зи зан лофи мардий мазан.*

**Назмий маъноси:**

*Аёллар рағбат-ла қилганда тоат,  
Тақвосиз эрлардан ўтарлар, албат.*

*Аёлки гар сендан хислати зиёд,  
Сенда эрлигингдан йўқми ҳеч уёт?!*

*Муайян узрким аёлларда бор,  
Гоҳ-гоҳ ибодатдан тўхтайди ночор.*

*Узринг йўқ ҳолда сен бир четда жимсан,  
Эрман деб лоф урма, аёлдан камсан.*

**Насрий баёни:** Рағбат билан тоат қиладиган аёллар тақвосиз эркаклардан ўзиб кетадилар. Агар аёллар (Аллоҳ ҳузурида) сендан ортиқроқ мақбул бўлса, сен ўз эркаклигингдан уялмайсанми? Муайян узр сабабли аёллар гоҳида ибодатдан қўлларини тиядилар. Сен эса бирор узринг бўлмаган ҳолда аёлларга ўхшаб бир бурчакда ўтирибсан. Сен (даражада) аёлдан камсан, эркакман деб лоф урма.

Абу Имрон насиҳат давомида: «Ғийбат итга ўхшайдиган одамларнинг идоми ва тақводорларнинг ахлатхонасидир», дедилар. Ғийбат итга ўхшайдиган одамлар учун идом эканининг тафсилоти юқорида зикр этилди. «Тақводорларнинг ахлатхонаси» деган гапнинг маъноси шуки, ахлатхона ифлос бўлгани боис одамлар ундан ўзларини эҳтиёт қилганидек, тақволи кишилар ҳам тилларини ғийбат деб аталмиш жирканч нарсадан эҳтиёт қиладилар ва ўзларини у билан булғамайдилар.

### **«?Ғийбат ўзи нима»**

*Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий*

**Таржимон:** Ёрқинжон Фозилов

[1] Иёс ибн Муовия ибн Қурра Музаний (х. 46–122 / м. 666–740) – Басра қозиси. Фаҳму заковатда замонасининг ажойиботларидан бўлган. У кишининг фаҳму фаросати зарбулмасал бўлиб, бирорта одамнинг заковати мақталмоқчи бўлса, у кишига ўхшатишган. Восит шаҳрида вафот этган (Зириклий, «Ал-Аълум»).

[2] «Танбеҳул ғофилин».

[3] «Кимёи саодат».

[4] «Нузҳатул мажолис».